

лер дўзилisi ўндирислик yaki predmetlik bilimlerini, uqiplarini, ўyreniwshini qadiriyatlari, yaғni, diagnozlangan yaki pedagogga belgili bolgan baslangish shartler menen aniqlanadi. Biraq, kim oqiydi, sonin ushin olar terra incognita boladi ham tap sol sirtqi kontekstte jatadi.

Jabiq baslangish shartler, kutilgen natijeler ham araliq masalelerge iye, biraq araliq masalelerdi sheshiwidin ashiiq jollarina iye talim metodi kontekstli-programmalastirilgan (KNT-PRG) dep ataladi.

Bunday ta'imdi sholkemlestiriwdin misali muzeyge oqiw sayaxati esaplanadi. Biraq bul ekskuriya gidsiz, qaliplestirilgen maqsetke iye bolmastan, bunda eksursant muzey boyinsha ekspozitsiyalardi kdzden keshiriw tartibin korsetiwshi strelka jonalisinde programmalastirilgan tarizde hareket etedi.

Eger ekskuriya muzey boinsha hareketleniwidin marshrutni boyinsha berilmesten, al aldinnan belgili (ashiiq) taniswi tiyis bolgan obyektlerdin dizimi menen berilse, onda bul jagdayda obektlerdi kdzden keshiriw tartibi principial bolmaydi, onda kontekstli-evristik (KNT-EVR) metod haqqinda aytiv mumkin boladi. Jabiq baslangish shartler, kutilgen natijeler ham araliq masalelerdi sheshiw jollarina iye, biraq ashiiq araliq masalelerine iye bolgan talim metodi kontekstli-evristik metodi dep ataladi.

Eger kontekstli metodta ham obekt, ham kdzden otkeriw marshrutni aldinnan belgili bolsa, onda bul kontekstli-reproduktiv (KNT-RPV) metod.

Bilimler basim bolgan predmetler ushin oqiw procesin intensivikasiyalaw joli blok-modulli metodika ham texnologiyaга otiwden ibarat boladi.

Aldi menen tusinik ham terminlerdi tustiyiqalaymiz. Oqiw procesi eki mamleketlik hijet penen tartipke salinadi: oqiw mazmuni mamleketlik talim standarti menen aniqlanadi, al oqiw waqti - bazaliq oqiw jobalari menen. Dasturli oqiw mazmuni paragraflar dep atalatuvin mayda porciyalarga, al oqiw waqti sabaqlar dep atalgan mayda porciyalarga bolingen. Solay etip, dasturli mektep oqiw – bul paragraf-sabaqliq oqitiw. Oqiw procesin intensivikasiyalaw oqiw mazmuni birliklerin irilendiriw talap etedi, al olar **modullar** dep ataladi ham oqiw waqtin irilendiriw birligi bloklar dep ataladi. Modul –mazmunga baylanisli tusinik, al blok –waqtqa tiyisli tusinik. Difaktikalij birliklerdi irilendiriw teoriiyasi ham ameliyatni RIA akademigi P.M.Erdniev [2] ham onin oqiwshilari har tarepleme bayan etti. Basli ideyasi sonnan ibarat, oqiw sabaqlarini tiykarji birlikleri – bul tek tusinik, aniqlama, nizamlar, postulatlar, aksiomalar, teoremlar ham basqa gana emes, al tap sonday oqiw bilimlari (onsha basli bolmagan) – bul olar arasindagi baylanis. Kim kop narseni bilse ham “Gugl, okey” frazasini aytivga uqipli, ol aqilli emes, al kimde bilimlari sistemali, bir putin ham alemni birden-bir kartinasini menen baylanisqan bolsa, sol aqilli. “Kop bilim aqildi uyretpeydi” dep en daslep Geraklit aytiv ketken edi.

Ўдебиётлар

1. Краткая философская энциклопедия. -М.: «Прогресс-Энциклопедия», 1994. -С. 168.

2. Эрдиёв П.М. Укрупнение дидактических единиц как технология обучения. В 2-х ч. -М.: «Просвещение», 1992.

РЕЗЮМЕ. Ushbu maqolada o'quv faoliyati usullarining butun palitrasi eng rasmiylashtirilgan tarzda muhokama qilinadi, shuning uchun usullarni tanlash berilgan maqsadlar uchun amalga oshirilishi mumkin, aniq tasniflash xususiyatiga ega bo'lgan o'ziga xos tipologiya taklif etiladi - elementlarning ochiqligi. talaba uchun ta'lim jarayoni.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается вся палитра методов образовательной деятельности максимально формализованным способом, чтобы выбор методов можно было осуществить под заданные цели, предложена своя типология, имеющая ясный классификационный признак – открытость элементов процесса образования для ученика.

SUMMARY. This article discusses the entire palette of methods of educational activity in the most formalized way, so that the choice of methods can be carried out for the given goals, its own typology is proposed, which has a clear classification feature - the openness of the elements of the educational process for the student.

ЎЗЛАШУВ МАДАНИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Г.Юсупова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

М.Бобожонов – филология фанлари бўйича фалсафа доктори

А.Юсупов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: вербал, невербал, товуш образи, нутқ, жаргон, нутқий коммуникация, нутқий шароит, ахборот канали, мулоқот.

Ключевые слова: вербальный, невербальный, звуковой образ, речь, жаргон, речевое общение, речевой контекст, информационный канал, коммуникация.

Key words: verbal, non-verbal, sound image, speech, jargon, speech communication, speech context, information channel, communication.

Маълумки, мулоқот жараёнида суҳбат иштирокчиларининг маънавий қиёфаси, рухий-ақлий олами акс этиб туради. Яъни, у сўзни қандай ва қай тарзда қўллай олиши билан суҳбатдошига ўзи мансуб бўлган ички олам, уни қонун-қоидалари ҳақидаги хабар мазмунини ҳам етказди. Аввало, сўзловчи онгида олам ҳақидаги бирор хабар, факт мавжуд бўлади. қаерда товуш образи талаффуз қилинган онгдаги тушунча билан уйғунлашса, ўша ерда қўнгилдагидек мулоқот юзага келади. Аксинча, товуш образи тингловчи онгида бирор тасаввур-тушунчани уйғотмаса бундан мувоффақиятсиз мулоқот юзага келади. Шу боис нутқий мулоқотда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат ғоятда муҳим ҳисобланади. Агар сўзловчининг ҳам тингловчининг ҳам сўзи кўча-жаргон сўзлар билан тўлиб-тошган бўлса, фикрини қийналиб, пойма-пой гапирса, талаффузи бўлмаса, бу ҳолатда энг мазмундор суҳбат ҳам ўз моҳиятини йўқотади. Бадиий матн бўйича кузатишлар олиб борган тилшунос олим М.Йўлдошев

шундай фикрлайди:” Маълумки, нутқий коммуникациянинг юзага келиши, воқеаларида уч асосий унсурнинг иштироки мажбурийдир, яъни сўзловчи (ёзувчи) – ахборот (матн) – тингловчи (ўқувчи) тўғри, нутқий коммуникацияда нутқий шароит, ахборот канали(овоз, ёзув, магнит ёзуви, телефон каби), мулоқот аъзоларининг мақоми, ёши ва бошқа белгилари, шунингдек, бошқа турли ғайрилисоний воситаларнинг ҳам ўрни бениҳоя муҳим, ҳатто кўпинча ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин мазкур уч унсур нутқий коммуникациянинг асосий устунларидир, уларнинг бирортасисиз мулоқот жараёни воқе бўлмайди» [7].

Ўзлашув маданияти ҳар бир тил бирлигини шароитга қараб, йиллар мобайнида қабул қилинган меъёрлар асосида қўллан санъати ҳисобланади. Масалан, сўрашиш, саломлашиш маданиятини олайлик. Сўрашиш барча халқларнинг муомала маданиятидаги муҳим восита бўлиб, у ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда

ўзига хос кўринишга эга. Таъкидлаш зарурки, сўрашиш билан саломлашиш айнан бир тушунчалар эмас. Саломлашиш барча халқларда салом бериш одоби қоидаларига асосланади, у фақатгина қўл бериб кўришишдан иборат эмас. Сўрашиш эса сўз, имо-ишора, мимика ва ҳатти-ҳаракат орқали ҳам амалга ошириладиган жараён бўлиб, у инсон фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Мулоқот жараёни бўйича кузатишлар олиб борган Ш.Сафаров ва Г.Тоироваларнинг кўрсатишича: «Мулоқот» атамаси кўп ҳолларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз, нолисоний воситалар (имо-ишора, ҳар-хил белги, нишона, рамз, символлар) орқали ахборот бериш ва бир-бирининг таъсирига кўра вербал ёки новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади.

Нуткий мулоқот деганда - мулоқот жараёнида лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда, ҳамкорликда ишлатилиши тушунилади. Бу нуткий мулоқотнинг энг биринчи ўзига хослигидир. Чунончи, «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу» вербал иборасини қўллаган шахс, албатта, шу вербал формулага мос маънавий-маданий савияга тегишли ёшга, насл-насабга, кийим-бошига эга бўлиши билан бирга, бу иборани махсус имо-ишоралар билан ҳамкорликда ва махсус тингловчиларга нисбатангина қўллаётган бўлади. Масалан:

Шайх сўрига чиқиб, меҳмонларни икки ёнига ўтқазгач, бошланглар, деб ишорат этди. Жарчилар юзуришиб, ахийлар оқсоқоли ёнига келишди: бирининг қўлида бир коса сув, бирининг қўлида чарм туздон бор эди. Оқсоқол сувга туз солиб, косани баланд кўтарди:

«Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!»

«Ваалейкум ассалом!» – жавоб берди шайх / 30,159/.

Бу нуткий фаолият лисоний, этик, эстетик, миллий, маънавий-маданий, ижтимоий, каузал (сабаб, оқибат, мақсад) ва ҳоказо омиллар мажмуаси билан узвий боғлиқ. Лекин нуткий мулоқотнинг хусусий прагматик атамасини талаб қиладиган асос фақат шугина эмас, нуткий мулоқот семиотик тизимлардан фойдаланишнинг ўзига хос тури бўлганлиги билан ажралиб турганлиги бу хусусият, белгининг (ишора, рамз ва ҳ.к.) лисоний тизимда ва нуткий фаолиятда ўзига хослиги билан боғлиқдир» [8].

Ўзбекларда нуткий муомала маданиятида шу каби муносабат кўзга ташланади. Жумладан, жамоа, одамлар билан ҳамжиҳатликда бажариладиган ҳашар, ободонлаштириш ишларида иштирок этаётганларга «Хорманглар» дейилади ва улар томонидан «Саломат бўлинг» ёки «Бор бўлинг» деган жавоб қайтарилади.

Адабиётлар

1. Кўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутк маданияти ва услубият асослари. -Т.: «Ўқитувчи», 1992.
2. Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши // Филол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дис. автореф. –Тошкент: 1993, ИИ-16-б.
3. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. -Т.: 2007. 42-б.
4. Нутк маданияти масалалари (илмий тўплам). –Тошкент: 1993, 72-б.
5. Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутк маданияти ва нотиклик санъати. –Тошкент: 2011, 20-б.
6. Бобожонов Ф. Мулоқотда нутқнинг таъсирчанлигини таъминловчи омиллар. // Давлат тили: муаммо ва ечимлар (мақоалар тўплами). Тошкент давлат юридик университети. –Тошкент: 2014, 45-48-б.
7. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. -Тошкент: «Фан», 2008, 30-31-б.
8. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. –Тошкент: 2007, 14-б.
9. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тарихий роман. Бирини китоб. Жаҳонгир Мирзо. -Т.: «Шарк». 2003.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ўзбек сўзлашув маданиятининг миллий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Нуткий мулоқотда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат гояда муҳимлиги ва сўзлашув маданияти ҳар бир тил бирлигини шароитга қараб, йиллар мобайнида қабул қилинган меъёрлар асосида қўллаш санъатидир. Нуткий мулоқот деганда - мулоқот жараёнида лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда, ҳамкорликда ишлатилиши тушунилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о национальных особенностях узбекской речевой культуры. В речевом общении крайне важны отношения между говорящим и слушающим, а разговорная культура – это искусство использования каждой языковой единицы в зависимости от ситуации, исходя из принятых годами норм. Речевое общение означает совместное и кооперативное использование вербальных и невербальных средств в процессе общения.

SUMMARY. This article talks about the national features of the Uzbek speech culture. In speech communication, the relationship between the speaker and the listener is extremely important, and conversational culture is the art of using each language unit depending on the situation, based on the norms adopted over the years. Speech communication means the joint and cooperative use of verbal and non-verbal means in the process of communication.

Ҳосил йиғим-терими пайтида хирмон теппасида кўришганда эса «Хирмонга барака» дейилади ва улар томонидан «Умрингизга барака» деган жавоб қайтарилади. Мазкур сўрашиш маданиятига эътибор берсангиз, мурожаат оҳанги ҳам, жавоб оҳанги ҳам мантикийлик, нафосат ҳамда кишига хуш ёқадиган тарзда ифода этилади. Бу сўзларнинг қудрати шундаки, уларни жаҳл устида, ғазаб билан айтсангиз ҳам бировга оғир ботмайди.

Тарихимизга назар солар эканмиз, ўзбек тили ҳам ўтмишда нақадар бой, сўрашиш услублари хилма-хил ва катта эътиборга эга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, аجدодларимиз меҳмонни «Хуш келибсиз, қадамларингизга хасанот!» деб кутиб олади. Агар меҳмон азиз, муҳтарам ва орзиқиб қутилган бўлса, у билан сўрашганда ниҳоятда латиф ва соғинч сўзларни ишлатишга ҳаракат қилинган. Эътиборингизни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» номли тарихий романидаги Қутлуг Туркон оқа хонадонига ташриф буюрган Сохибқирон Амир Темур ва темурийзодаларни кутиб олиш жараёнидаги сўзлашиш маданиятига қаратмоқчимиз: «Сароймулкхоним дарвозадан киргани ҳамон:

«Ассалому алейкум, ғамгузорим меҳрибоним эгачим!» -дея таъзим бажо айлади ва ўзини қутлуг Туркон оқанинг қучоғига отди.

Оллоҳга шукр! Оллоҳга шукр! - эгачи ардоқли келинини бағрига босганча узок вақт қўйиб юбормади...

Умаршайх Мирзонинг онаси Тўлун оқа, Мироншоҳ Мирзонинг онаси Менгли бика ва Тоғай Туркон оқалар ним табассум ила муҳтарама эгачининг катта хоним билан кўришишгаётганини кузатиб турардилар.

«Марҳабо, хонадонимизга хуш келибсизлар!» – уйга тақлиф этди эгачи қувончи чексиз, меҳмонлар билан кўришиб бўлгач...Маликалар шоҳона безатилган дастурхон атрофига тиз чўкишди. Дуои фотиҳа тортилди.

«Барчангизга подшолик қутлуг бўлсун, ардоқли келинларим!»-деди қутлуг Туркон оқа қўлларини кўксига қўйиб.

Келинлар ва канизақлар ўринларидан турдиларда тавозе билан эгачига бош эгдилар:

«Ўзингизга ҳам қутлуг бўлғай, эй бонўйи кубро ҳазрати олиялари!...» [9].

Мазкур мулоқотни сўзлашув маданиятининг ўзига хос намунаси десак муболаға бўлмайди. Зеро, «ғамгузорим», «меҳрибоним», «муҳтарама», «ардоқли», «қўлларини кўксига қўйиб», «бонўйи кубро» иборалари билан қилинадиган ҳар қандай мурожаат ўзининг нафосати билан киши дилини хушнуд қиладди, инсонга хуш ёқади.